

Исмоил Хикмат.

Озарбойжон Халк Маориф камисарлиги фанний метод шўроси томонидан тасдиқ этилмиш ва Озарбойжон нашриёти томонидан 5 минг нусхада босилгон. (1925 йил — Бокуда)

Бу асарнинг биринчи жилд, биринчи ва иккинчи хиссаси босилиб чикди. Биринчи хиссаси ўн тўккузинчи аср хаёти адабиясидан бахс этадир.

Бундай бир асарнинг мисоли халигача турк оламида кўрилмайдир. Бу асарнинг бошқалардан энг биринчи айирмаси шулки, ўн тўккузинчи аср турк хаёти адабиясини тартибли суратда, бир мажмуа холида кўрсатадир. Бу иш халигача турк адабиёти хаётида — тазкирачилар ва ажнабий тарихчилар мустасно — бўлмагон бир ишдир. Бу асар тўгрисида халигача жиддий бир танкид чикмади. Бунинг сабабини шундан биламиз. Мисли бўлмагон, яъни халигача ишланмаган бу майдонда калам юрутмак учун шундай бир нарса ёзиш каби бир ташаббус ва мехнат килиш лозим бўладир. Айникса, гарб турк хаётидан минглар чакирим узокда бўлгон: денгизлар, тоғлар, чўллар каби табиий тўсиклар устига, Чор хукуматининг сиёсий мумонеъатлари ва биздаги илмий-адабий харакатнинг ҳечлиги оркасида колгон ва бу асарда зикр килингон шахсларнинг баъзилардан икки-уч байт, баъзиларининг факат отларини билиш ҳам зўрга мумкин бўлгон бизлар учун бу асар тўгрисида жиддий бир нарса дейиш кўп кийиндир.

Бу бир неча йилдан сўнг ижтимоий инкилоб йилларида эса бу масалалар билан уринишга на вақт ва на шароит мусоада килмагонидан хали ҳам мумкин бўлмади. Бу узрлар ишга колгонда балки ҳечдир. Локин маъзаратчининг биз кабилар бўлғони ва мавкеимиз назарда тутилгонда, табиий, булар буюк монёлар саналса ҳам ўрни бордир. Мана шу узр ва шу мухокамалардан кейин тубандаги сўзларнинг балки бир киймати колмас. Локин ўзбекнинг «ётиб колгунча, отиб кол» деган маколи мафодинча ўзимиз билган ёхуд тўгриси, билдик ва танидик деб каноат хосил этган шоирлар хакидаким, улар бу муаззам таълифда биз учун уч-тўртдан ортук бўлмас, баъзи бир фикрлар юрутсак ортукча бўлмас. Эхтимол, бу ёзгонларимизнинг бир танкидий киймати бўлмас, факат бизда улар тўгрисида кандай тасаввурлар борлигини, бизда - яъни Бўсфўр мухитида эмас - Туркистоннинг кум, чўллари оркасидаги буталар, кўкатлар кўлагасида ўсган ва мухитнинг каттиг бўғувчи иссиглари остида хомлигича ковурулгонларга коддиргон таъсирини кўрсатиш жихатидан ахамияти бўлур.

Бошлаб бу асар марксчилик нуктаи назаридан ёзилмагон, деб эътирозларга учраса мумкин дир. Кандайки, кайси бир ўртоқлар бу ҳақда ёздилар. Бизга колса уларнинг бу эътирозлари, агар амалий бир фикр ва йўл кўрсата олмагон бўлсаларки, ҳеч бир нарса кўрсатмадилар, бу очик бир пулча киймати йўқдир. Фалон, фалон ўрунларда бундай янглишликлар, тушунмаганликлар бор, изох килинмагон нукталар «мана булар» деб кўрсатилмас экан, курук сўз бўлишдан бошка нарса эмас: «бўш сўз туяга юк» дир. Биз деймизки, бу асарнинг бош мазияти 32 шоирнинг, яъни бир асрга якин бир муддат адабий хаётининг бир тартиб ва бир усул доирасида тизилиши ва адабиётга бир «гул» холида караш учун мухим бир йигинди ташкил этгандирки, халигача бу бўлмагондир. Асарни кўздан кечирганлар ва шу ишлар билан таниш кишилар биладирларки, бу майдонда ишлаш кандай кийиндир ва бош огритувчидир! Буни шу ходда йигишнинг ўзи

канча фидокорликлар талаб килар экан, узокдан туриб ахил бўлмагонларнинг кесак отишлари ўзларининг канча кийматда бўлишларини фош этишдан бошка бир натижа бермайдир. Дуруст, марксчилик нуктаи назаридан карагонда биринчи бокишда жуда кўб камчиликлар кўриладир. Факат иш ичига кирганда ва тарихимизнинг ҳеч бўлмаса бир нечагина йил кичкинагина бир давринигина кўз олдимизда ижмоли бўлса ҳам тасаввур ва тасвир эта олмагон шу чоғимизда марксисчаки — иктисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бутун инжаликларини очиб бериш демакдир — бўлишини талаб этмак кулгули, бир бола талаби эмасмидир? Холбуки, бу асар истар мукаддимасида, истар хар муносабат келганда иктисодий ва ижтимоий ҳаётни мумкин қадар изоҳ килмоқдадир.

Энди мақсадга келайлик: бизнинг танигон шоирлар орасида Абдулҳак Хомид бордир, бу шоир тўғрисида 140 саҳифа таҳсис этилгандир.

Хомиднинг узундан-узок ва ўндан ортук мактуби ва шу муносабат ила бошка орқадошларининг ҳам узун мактублари дарж этилгандир. Холбуки, Хомиднинг адабий шахсиятини - руҳли бир тарзда кўрсататургон бир мактуби - Ризо Тавфиқка «Хомиднома» муносабати-ла ёзгон мактубидан ҳеч нарса кўрсатилмайдир. Хомид у мактубида қайси муҳаррирларни ўқиғонини ва қайсиларини ўқумағонини ўзи айтадир ва Хомидни таниш учун энг муҳим шу сўзларни ёзадир:

«Макбар»да ва «Ўлу»да, хусусий-ла «Ўлу»дан зиёда «Макбар»да кўрдиқингиз қусурлар ноқобил инкор бир суратда ошқордир. Таслим эдарам. Ҳашвиёт чўк, гаройибларинг ҳадд ва ҳисоби йўқдир. Ва сиз голибан бунларла иктифо этмак истиамишсиниз. Соир асаримида тадқиқ этсағиз даҳа чўк нуксонлара тасодуф эдардингиз, бундан аминам ва сизи таъмин эдарамки, бунлар банжа мажхул дағилдир. Хатто асарими қандим танқид эдажак ўлсам қим билар даҳо нақадар қусурлар кўрурдим. Балқи энг сўнграқи асарим ўйла бир танқид ўлажқдир ...»

Яна давом этиб адабиёт оламида қимлар ила яқин бўлғонини ва қимларни таниғонини айтадир:

«Адабиёт соир ва сарифаларинда дедигиниз қабӣ, Курнай, Хугу, Шекспир ила Шайх Саъдий банга раҳбар ўлмишлардир (Қамол устодимдир, у бошка). Бунларнинг хорижинда ҳеч бир адиб ва шоир-ла муносабатда бўлинмадигми билманғизи истарам. Пак чўкларини «Хомиднома»да исмлари мазкур ўланлардан ва ўлмайанлардан бир чўқини маъаттаассуф ўқумамишамдир била эҳтимолқи қочмоқдан қуголамайа, ёзмоқдан ўқумамайа вақтим ўлмамишдир. На билайим факат ҳақиқати хол будир».

Сўнгра асарларининг мавзуларини қимлардан олғонини тубандағиқа баён қила бошлайдир:

«Настаран»и Порисда Курнайнинг «Лўсид»ини ўқудикдан сўнгра ёздимқи, муқаддимасинда гўстариярим. Маъ-шукасининг падарини ошиқнинг итлоф этмаси мавзуини «Лўсид»дан олдим. Ёлғиз мавзуини... «Эшбер»да қазалиқ Хўросдан муқтабас бир мавзу, ёлғиз бир мавзу вордир. Қамол марҳум мактубларининг бирисиндақи, голибан матбуъдир. «Эшбер» Хўросдан муқтабас эсада ундан гўзаддир демиш, бани талтиф этмак истиамишди. Марҳум бу дурли иқтибосоти жоиз гўрур ва табиий бўлурди. Хатто бал «Сардонапол»и ёзарқан, Байруннинг у исмда бир театруси ўлдигини банга ихбор ила ўқумая тавсия этмиш эди. Бан мавзу бўлмоқда доимо гучлуқ чекдигимдан тарихдан ва шундан-бундан мавзулар олмоқ, онлари истадигим қибӣ маловалар-ла ёзмоқ мажбуриятинда бўлунан ожазадан ўлдугим «Сардонапол» муқаддимасинда ҳабар вериярим.

Факат «Макбар» ила «Ўлу»нинг ёхуд «Балодан бир сас»инг қимсадан олинмиш

мавзулари йўқдир. Унларинг мавзулари мазор ила ўлум ва бирда жамияти инсониядир. «Макбар»лар, «Ўлу»лар, «Балодан бир сас»лар кечан гун дагил, кечан асрда ёзилмиш ва ўттуз шу кадар сана аввал босилмиш эди. «Балодан бир сас»си охиран таъбъ этдилар эсада пак эскидан эскидир. Алхосил, бунлар на икгибос, на таклид, на интихолдир. Тавориддан бошка бир шай ўлмаси махолдир. Таворид такдиринда эса Виктор Хугу киби муаззам бир дохийи шеър ва адаба шу кадаржик ўлсун бир мукоранат хосил ўлмиш демакдирки, на буюк шараф! Факат Акраминг дедиги киби:

Бир харфни мажмуаи бегояи сонинг,
Фахм айламадан бан дахи шоирмийим, э вох.

«Гёте» ила, «Байрун»ла, «Данта» ила ошнолигим пак сатхий ва пак жузъий бир муносабатдир... Даражаларини биламам. Виктор Хугу Шекспир учун ёздиги китобда: духот учун буюк кучук йўқдир деюр, даража тайин этмиюр. Унлар бир-бирини бензамас, факат хар бир бошкача бир йилдиздир, демак истаюр. Инсон буйла демак учун Виктор Хугу киби у йилдизларинг энг буюги ўлмалидир, дагилими?», киби бир мулохаза юритгандан сўнг, турк ва сўнгра Шарк ва Гарб дахолари тўгрисида ўз фикрини ёзадир: «Акрама ёздигим бир мактубда адабиёт оламимизинг «Камоли»и гунаши, «Акрам»и махтоби, «Сазай»ида йилдизли гежаси дея тавсиф этмиш эдим. Акрам жавобан: сангада бунларинг холикими деялим?.. киби бир латифада бўлунарак:

Шаб-тоб эдилсам розиям,
Махтоб эдилмак истамам, -

демиш эди. Дохийлигинг даражаси йўқдир ва банча Гарбда хакикий дохий Хугу ила Шекспир ва Шаркда Саъдийдир. Банча деюрим. Чунки бошкаларини билажак кадар ўкумадим. Сиз ўкумишсингиз биларсингиз...», деб мактубини битирадир. Кўрилгани каби Хомид бу мактубда бутун борлигини очиб берадир. Бунда кўчирилмай колгон шундай парчалар борки, Хомид том маъноси билан ўз сажиясини очиб кўрсатадир. Бу мактубда ахамиятсиз ўтилмайтургон яна бир нукта: Ризо Тавфикнинг «Хомиднома»си тўгрисида айтилган сўздир:

«Хомиднома»да исмлари мазкур ўланлардан ва ўлмаянлардан бир чўкини мааттассуф ўкумамишамдир била!» демак билан Хомид, Ризо Тавфик «Танкиднома»сининг канча хакикий киймати бўлгонини очиб берадир. Ризо Тавфик кўп фозил одам бўлмок билан бирга таъбир ва адабсизлик маъзур кўрулсин, кўп «илмфуруш» бир одамдурки, бун шунда юкоридаги сўзи билан Хомидда айтадир. «Хомиднома»да Хомиднинг бошка кўп шоир ва адиллар билан алоқаси бўлгони ёзиладирки, Хомид уларни ўз мактубида рад килгон бўладир. Бу билан «Хомиднома»нинг мавкеи тайин килинадир.

Исмоил Хикмат ўз татабулари орасида шу мактубга хам бир ўрун айирса эди, яна мухимрок бир маъхаз кўрсаткан бўлур эди. Шунча узун мактубларни олгон кишининг бу мактубдан зикр этмаслиги бир турли маъносиздир. Хатто бизга колса, бу асарда кўрсатилган мактублар кўпрак Хомиднинг ёш вақтларига оид бўлиб, бу сўнгиси унинг пишган ва етишган вақти махсули бўлиши жихатидан мухимрокдир.

Иккинчи камчилик, китобда Хомиднинг юксак насридан «хеч намуна берилмагани»дир. Бунда на «Торук» парчаларидан бир нарсаси бор, на «Макбар» мукаддимасидан бир намуна. Холбуки, турк адабиёти насрининг энг юксак намуналари каторида шуларнинг

туриши керакдир.

Учинчи, Хомиднинг санъаткорлигини тахлил килишда Исмоил Хикмат кўп вақт шакл масалаларига боғланиб қоладир. Рухий хаяжон тахлиллари жуда оздир.

Хомид «дохий шоир» аталадир, факат бир «дохий шоир» сифати-ла тахлил этилмайдир, ҳар канча «дохий дохиёна», деган сўзлар кўп ишлатилса ҳам, ўқуб чиқкон киши унинг дахосига у қадар ошно бўлуб чиқмайдир. Чунки тахлил ноқисдир. Масалан, бир ердаги унинг дахоси кўрсатилмақчидир. Ўн байтлик бир намуна бериладирки, у намунада:

Эй ёри жаханнам оғуш,
Абқаму асгару махшар бардуш,—

байтидан бошқа мактанишга муносиб бир нарса йўқдир. Бундан сўнг мана шу сўзлар айтиладир:

«Бу азамати тазоди ханги шоиримизда гўруриз... Ишта Хомиднинг бутун банлиги, бутун хусусияти ва шахсияти, бутун шеъри ва дахоси: хапси-хапси бу тазодларинда, бу иттиродсизликларинда, бу тошкинликларинда... У тибки бир фуртинали денгиз кибидир. Доимо чолконт чолонда гоҳ доғлара тирманан улу, журъаткор чилгин долгалар-ла юксалар, юксалалар, гоҳ булдигини окизиб, кириб гўтуран гирдоб-ла учурумлар холинда дензинг диблўдия чакилан сиёх-сиёх гойалар қадар, дарин ва сиёх бир долгадан мезар ўлур. Орқасиндан етишмак истайан ё самолардан душар ва эзилер ё деринликларда бўғулиб қолир».

Холбуки, юкоридаги мисол учун бу сўзлар кўп оғирдир. Унинг дахосини кўрсататурғои бундан бошқа кўп қучли парчалар бордир.

Бир еринда (466-нчи саҳифа) «калбнинг лисони (классизм)нинг у қадар ва инжа чарчавасина на гира билир, на чика билир» дейдир. Биз бу жумланинг мадлулини нотўғри топамиз. Фузулийнинг «Лайли-Мажнун»и бошдан-боша у «калб лисони»дир. Хатто калб лисони бўлишда баъзи жойларида Хомиддан ҳам ошиб тушадир. Форс шеърида эса Хофизнинг бу кунгача на форсийда, на турқда унга эришилмаган самимийлиги (классизм)нинг тор чарчавасига сигмишдир. Агар чарчаванинг бир таъсири бўлса эди, чарчавани парчалагон рассомларнинг бир ортиклиги бўлур эди. Ва чарчавалилардан юксак бир нарса беришлари керак эди. Холбуки, биз уни кўрмаймиз. Бутун санъат тарихи қаршимизда...

Хомид хақинда ёзилмиш юз шу қадар саҳифа юкорида кўрсатилган қамчиликлари сарф назар этилса, балки уни бир шоир сифатида кўрсатмақ учун қифоя этар. Лоқин дохий аталмиш бир Хомид учун асло қифоя этмас. Унинг дахосини албатта, тахлил этмақ ва айниқса, қайси нуқталарда унга эришмақ мумкин бўлмагонини кўрсатмақ керақдир.

Бу эътибор ила менимча «Али жаноб»нинг «Турк юрди»да босдиргон Хомид юбилесига бағишланмиш мақола қийматлидир. Воқеан, Ризо Тавфик ҳам Хомид учун кўп нарса ёзгондир. Лоқин у асарнинг ичидан саралаб чиқмоқ мумкин эмасдир. У асарларда Хомиддан кўра Ризо Тавфик тахлил этилгандир.

Устод Ақрам хақинда эса Исмоил Хикмат жиддан муваффақ бўлгондир. У Ақрамнинг бутун хаётини, санъатини яхши тахлил этадир ва жонли ўлароқ кўрсата олгондир.

Хатто шу қадарки, Ақрам хақинда ёзмиш жумлаларнинг ўзиданда Ақрам иси келиб турадир. Ақрам хақинда ёзилмиш шу қадар нарсани биз халигача кўрмадик.

Охирида шуни ҳам айтиб ўтиш керақким, юкорида кўрсатилган қамчиликлар билан бирга бу асарнинг кўп фазилатлари (ортуқликлари) ҳам бордир. Масалан:

«Хомиднинг Хугодан билхосса айирилан нуктаси лисони эди. Хуго накадар мунтазам ва хамвор эса, Хомид У кадар локайд ва паришондир. Хомиднинг дудоклари орасиндан дўкулан яроли, музтариб калбидир. Хугонинг лисониндан мусикий афкоридир» каби энг гўзал тасвири таъбирлар бўлгонидек, тубандагича фосех ва балиг ифодалар ила энг тўгри киймат беришлар бордир:

«Хеч бир кайда бўюн эгмаян, хеч бир бўюндирига гардан вермаян шоир бутун коидалари зерузабар эдажак бир сармасти ва локайди ила юрийиб гедиюр.

Калби фарёдларини, рухий аламларини, хижронларини, хаяжонларини гоҳ арузнинг дор ва муавваж чанбарлари ичина сўкуюр. Хамда тибки эски Шарк санъаткорлари каби зухофлар, имолалардан чекинмадан, тараддудланмадан сўкуюр; гоҳ хижо вазнининг сарбаст сийнаси араб ва ажамнинг энг миллий, энг махаллий калималарини ерлаштириюр. Баъзанда кофиядан бошка бир кайд танимок истамиюр. Хар шайи зоид, хар конуни хар коидайи лузумсиз бир занжир, ўлдирувчи бир зулм адо эдиюр.

Хапсиндада шоир, хапсиндада дохий улиюр. Факат шакл, лисон ва санъатча кусурлу гўрулуюрди. Хосили у бутун улвийяти, бутун навокси-ла бир инсон, факат дохий бир инсонди. Асарларинда калби ўкунур, рухи гўрилуур. Агар Хомид лисонинада ахамият версайди, санъатида ихмол этмасайди, копина даралмаз бир дахои шеър бир хорикои адаб ўлурди. Маъамафихи бу гунда дахо копина вериламамишдир».

Шуни хам айтиб ўтайликки, бу асар жиддий бир танкидга албатта, мухтождир ва турк адабиёти тарихининг тўгри бир йўлга кўйилиши учун бу жиддан зарур бир ишдир. Буни ахиллардан сўраймиз.

Озарбойжон Маориф камиссарлиги ва нашриётининг турк илми, адабий хаётига шундай мухим бир асар такдим килишга маваффақ бўла олгонлари учун ифтихор этишга хаклари бордир. Булар учун ва асарнинг мухар-рири Исмоил Хикмат учун колгон жилдларинингда химмат килиниб майдонга кўйилишининг ва бу йўлда учралатурган монеъларга кўкрак керишларининг таманносидамиз.

Бу асар 7 юз саҳифадан иборатдир. Босмаси тузуккинадир. Факат биринчи жилднинг кўп расмлари яхши чикмагондир. Колгон жилдларида эса бу камчиликнинг тузатилиши керакдир.

Исмоил Хикматнинг «Турк адабиёти тарихи» 1925 йилда Бокуда нашр этилган бўлиб, В. Махмуднинг ушбу маколasi ана шу китобга тақриз сифатида ёзилган. Макола «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1925 йил 9-10-кўшма сонларида босилган.